

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
"Термиз шаҳар мактабгача таълим  
булими" директори



2022 й

## БУЮРТМАЧИ:

" ТЕРМИЗ ШАҲАР МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БУЛИМИ "

Термиз шаҳар мактабгача таълим булими Термиз шаҳар ички иситиш тармоги  
«VGF kompressor» ёрдамида кучли босим билан гидравлик тозалаш ишлари

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Термиз шаҳри -2022

## **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартибатомойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Термиз шахар ички иситиш тармоги «VGF kompressor» ёрдамида кучли босим билан гидравлик тозалаш ишлари бажариш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган пудратчи ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг бошланғич қиймати – **30 423 125 сум** (Уттиз миллион турт юз йигирма уч минг бир юз йигирма беш) сўм кушимча қиймат солик хисобланган холда . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун .

1.5 Ишларни бошлаш муддати шартнома тузилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1 " Термиз шахар мактабгача таълим булими " (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 190114, Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Термиз шахар А.Навоий кучаси 29 уй.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Термиз шахар мактабгача таълим булими биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга кўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, машина механизимлар ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқукий лаёкат ва ваколатлар;

-танлов обьектига ўхшаш обьектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида, турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок,

холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов тақлифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.